

Маълумдирки, ҳар миллатнинг тараккийси илм ила бўлуб, илми бор миллатнинг истикболи мунаввар ва ўзи осойишта ҳам ажнабийлар қошида маҳобатлик ва ҳурматлик кўринур. Сохиби илм ва мутараккий миллатларнинг аломатлариндан баъзиси шулки, ибтидоий мактаблари мунтазам бўлуб, ўрта ва олий ҳар турли мадрасалари бўладур. Бу мадрасаларда ўқуб чиқгон болалари фаол одам бўлуб, ҳол ва даражаларига муносиб иш - ҳунар - тиҷорат ва руҳоний ўрунларга киришуб кетарлар. Шу йўл ила мутамаддун миллатлар ўз ишларини ўзлари бошқаруб, ҳеч ваҗ-дан ўзгаларга муҳтож бўлмай роҳат, роҳатда яшайдурлар. Ўз мадрасаларига диний, дунёвий илм ва фанларни лозиминча ўргануб чиқарлар. Онинг учун на динларини кўлдан берурлар ва на дунёвий ишларини.

Демакки, бир қавмнинг ҳаёт ва саодати илм иладур. Сувсиз балик тирик қолмагани каби илмсиз, иттифоксиз миллатларнинг яшай олмаслиги табиийдур. Мен бу маҳалда илм ва фан қаторинда сарват, яъни бойликни ёзмадим, ҳолбуки, тирикчилик шартларининг бириси оқча ва мол эди. Чунки мол ва мулк илмнинг ниҳоятсиз самараларидан бир жузъидур. Илми бор одам озгина ҳаракат ва ғайрат қилса, албатта, бой бўлур. Юқорида илмлик миллатлар яшайдур демиш эдим. Муниг аксинча, нодон миллатлар мутлақ яшамас, тадрижий йўқ бўлур. Алалхусус бу замонда, илми қамонийсиз миллатнинг яшамайинча, тезлик ила мунақариз бўлиши муқаррардур.

Бурунги қамонда темир йўл, парохуд, телеграф, айруплон ва шунга ўхшаш маданият асбоблари йўқлигидан дунёдаги ҳуқуматлар бир-биридан узок туруб, яки дигарининг қувваи аскария ва молиясини қамон билмас эди. Шунинг учун ҳуқуматларнинг бир-бири устига боруб ҳужум қилиши ниҳоятда мушкул эди. Шул ваҗдан аввалги қамондаги ҳуқуматларнинг аҳвали аҳёнан табаддулот ва тағйиротга учрар эди. Аммо бу қамон бўлса, бутун бош-қадур.

Илм ва қамоннинг тараккийси ва ёрдами ила ер юзиндаги муҳталиф миллатларнинг ҳар навъ аҳвали мутамаддун ёврополиларнинг кўзи олдиндадур. Бу дунё ҳаёт муқоризаси майдони бўлгонидан, бир қучлик нимарса қучсизини эзар, ютар. Бу қонуни табиат ҳар бир қонсиз ва қонлик нарсалар ҳақида умумий ва қорий бўлуб қелмақдадур. Масалан, қарбдаги Америко ҳуқумати шарқдаги Ёпуниёни билқарз қучсиз топса, денгиз ичидан қелуб, бир ой қарифида қамон Ёпуниёни истило ва тасхир этмоқи мумқиндир. Анинг учундирки, қамонамиздаги ҳуқуматлар бошига тез-тез қанги қодисалар воқеъ бўлуб, ушбу қамон қилоҳи ила қуролланмаган ҳуқуматлар ўз қамлақат ва истиклол-қаридин маҳрум бўлмоқдадурлар.

Мисол учун хозирги замонамизда кам илм ва бепарволигидан жаннат каби шаҳарларидан айрилуб, юз мингларча аскарлар ва бегунох хотун, бола-чакаларининг талафига сабаб бўлган Туркия ҳукумати ила нодонлик ва ўз ичидаги фитна ва игтишош сабабли бир-икки ҳамсоясининг тузогига илиниб, мухтажорлик ҳолатига келган Ғас ҳукумати кўрсатурмизки, булар ҳар бир кўзи очик жаридахонларга маълумдир, Хоказо Эрон.

Эмди келайлук максудимизга. Бизларнинг замонага мувофиқ, яъни замонча эҳғиёжимизга ярайтургон мактаб - мадраса - дорулсаноъа - ...ларимиз ила замоний илм ва фанларни билатургон уламо - агниё - тужжорларимиз ва ҳунармандларимиз йўқ. Токи, бизлар ҳам ўзгалар қошида ушбу (муборизаи ҳаёт) майдонида эзилмай, илмимиз ила динимизни, молимиз ила ҳаётимизни муҳофаза қилиб яшасак. Шундай қилмаганимиз ҳолда, бора-бора охир ҳолимиз табох-болаларимизнинг иши ох ва вох бўлуб ҳам дин ва ҳам дунёимизни қўлдин беруб мунқариз бўлурмиз. Ушбу вақтдан бошлаб истикбол гамини еб, таъмини истикболимиз йўлида ҳаракат қилмок ҳар биримизнинг вазифаи лозималаримиздур.

*«Ойна» журнали, 1913 йил, 2-сон*